

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил январь ойининг 16 куни Боғдод тумани “Мирзаобод” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси О.А.Тоғаев, У.А.Қорабоевнинг котиблигида, тарафлардан Боғдод туман прокурори ўринбосари А.А.Мухтаров ҳамда ҳимоячи Боғдод туман “Ҳимоя қудрати” адвокатлик фирмаси адвокати М.Э.Мирзаев иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан Бердалиев Шермурод Абдуманноновични айблаш ҳақидаги 1-1507-2001/6-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Бердалиев Шермурод Абдуманнонович (Berdaliyev Shermurod Abdumannonovich), 1982 йил 18 октябрда Фарғона вилояти, Боғдод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Боғдод тумани, “Мирзаобод” м.ф.й, Оқер кўчаси, 23-уйда яшайди, иш бўйича 2019 йил 17 декабрда “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақда тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 20 декабрда олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, давлат айбловчисининг музокара нутқини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини эшитиб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Бердалиев Шермурод Абдуманнонович кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда эгаллаш, ташиш, тайёрлаш, сақлаш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасддан содир этган.

Жумладан, у 2019 йил сентябрь ойининг бошларида Боғдод тумани, Мирзаобод кишлоғи ҳудудидаги дала ер майдонидаги ариқ четида ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳвандлик ўсимлик баргларини териб олиб, уларни ўша ерда қуритиб, келгусида ўзи истеъмол қилиши учун қора рангли целлофан пакетга солиб, яшаш хонадонига олиб келиб, уйидаги шкаф остида ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда 2019 йил 15 ноябрь кунига қадар сақлаб келган.

2019 йил 15 ноябрь куни Боғдод тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбири давомида, Ш.А.Бердалиевнинг эғнидаги жинси шимининг орқа ўнг чўнтагида бир дона қоғоз парчасига ўралган, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги, яшил рангли, гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда



борлиги аниқланиб, ундан бундай гиёҳвандлик воситалари яна бўлса ихтиёрий равишда топшириши ҳақида сўралганида, у яшаш хонадонидан шундай моддалар борлигини айтиб, уйда шкаф остида сақлаб келаётган бир дона қора рангли целлофан пакетга ўралган ўткир ҳидли, қурук ҳолдаги, яшил рангли, майдаланган гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддаларни ўз ихтиёри билан тақдим этгани. Ушбу гиёҳвандлик воситалари холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2019 йил 22 ноябрь кунги 198-сонли хулосасига кўра, Ш.А.Бердалиевнинг яшаш хонадонидан олинган бир дона қора рангли целлофан пакетда бўлган яшил рангли, ўткир ҳидли, қурук ҳолдаги, майдаланган марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддалари мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддаси “Марихуана” деб аталувчи гиёҳванд воситалари туркумига киришлиги, умумий оғирлиги 78,21 граммни ташкил этиши аниқланган.

Суд-кимёвий экспертизасини 2019 йил 22 ноябрь кунги 199-сонли хулосасига кўра, Ш.А.Бердалиевнинг эғнидаги жинси шимининг орқа ўнг ён чўнтагидан олинган бир дона сариқ рангли қоғоз парчасига ўралган яшил рангли, ўткир ҳидли, қурук ҳолдаги, майдаланган марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддалари мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддаси “Марихуана” деб аталувчи гиёҳванд воситалари туркумига киришлиги, умумий оғирлиги 0,29 граммни ташкил этиши аниқланган.

Суд-наркология экспертизасининг 2019 йил 7 декабрь кунги 177-сонли хулосасига кўра, Ш.А.Бердалиев “Каннабиноидларга тобелик 2-босқичи” касаллиги билан касалланганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги аниқланган.

Судланувчи Ш.А.Бердалиев судда берган кўрсатувида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 3 йил давомида Боғдод тумани “Жаннати ерлари” номли фермер хўжалигида мавсумий сувчи бўлиб ишлаб келгани, ҳозирда ушбу фермер хўжалиги тугатилгани, 2015 йилда фарзанди ногирон туғилганидан кейин спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиладиган бўлиб қолгани, спиртли ичимликларни истеъмол қилишни ташлаш мақсадида 2 йилдан буён дала ер майдонларида ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳвандлик ўсимликларини баргларини териб олиб, истеъмол қилиб, наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга урганиб қолгани, 2019 йил сентябрь ойининг бошларида Боғдод тумани, Мирзаобод қишлоғи ҳудудидаги дала ер майдонидаги ариқ четида ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳвандлик ўсимликларини баргларини териб олиб, уларни ўша ерда қуришиб, келгусида ўзи истеъмол қилиши учун қора рангли целлофан пакетга солиб, яшаш хонадонига олиб келиб, уйдаги шкаф остига беркитиб қўйгани, 2019 йил 15 ноябрь куни ҳудуд профилактика инспектори хизмат хонасига чақириб, чўнтагидаги нарсаларни



чиқаришини айтгани, шунда ўзи истеъмол қилиши учун эғнидаги жинси шимининг орқа ўнг чўнтагида бўлган бир дона қоғоз парчасига ўралган наша гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқлангани, ҳудуд профилактика инспектори ва Боғдод туман ИИБ ЖКБ ходими ундан бундай гиёҳвандлик воситалари яна бўлса ихтиёрий равишда топширишини сўрашганида, у яшаш хонадонида ҳам наша гиёҳвандлик воситаси борлигини айтгани, шундан кейин ИИБ ходимлари ва икки нафар холислар билан бирга яшаш хонадонига келиб, уйдаги шкаф остига келгусида ўзининг истемол учун беркитиб қўйган бир дона қора рангли целлофан пакетга ўралган наша гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан тақдим қилгани, ушбу гиёҳвандлик воситаларини ИИБ ходимлари холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида хужжатлаштириб олишгани, гиёҳвандлик воситасини ҳеч кимга сотмагани, ўзи истеъмол қилиши учун сақлаб келгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Ш.А.Бердалиев судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ҳам исботланди.

Жумладан, гувоҳ Х.Ж.Худиев судда берган кўрсатувида, 2019 йилдан буён Боғдод тумани ХТБ қарашли 4-сонли умумтаълим мактабида уста бўлиб ишлаб келишини, 2019 йил 15 ноябрь куни мактабда ишда бўлган вақтида ҳудуд профилактика инспектори хизмат хонасига чақириб, Ш.А.Бердалиевнинг чўнтагидан наша гиёҳвандлик воситаси чиққанлигини айтгани, у ИИБ ходимларига “буни мен кўрганим йўқ”, -деб айтгани, шунда Ш.А.Бердалиев ҳақиқатдан ҳам чўнтагидан наша гиёҳвандлик воситаси топилганлигини тан олгани, ҳудуд профилактика инспектори ва Боғдод туман ИИБ ЖКБ ходими Ш.А.Бердалиевдан бундай гиёҳвандлик воситалари яна бўлса ихтиёрий равишда топширишини сўрашганида, Ш.А.Бердалиев уйда ҳам наша гиёҳвандлик воситаси борлигини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ва ишга холис сифатида жалб этилган М.Э.Ўктамовлар билан бирга Ш.А.Бердалиевни яшаш хонадонига боришгани, шунда Ш.А.Бердалиев уйдаги шкаф остига беркитиб қўйган бир дона қора рангли целлофан пакетга ўралган наша гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига тақдим қилгани, ИИБ ходимлари ушбу гиёҳвандлик воситаларини уларни иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини баён қилди.

Гувоҳ Х.Ж.Худиев судда берган кўрсатувида, 2016 йилдан буён Боғдод тумани ХТБ қарашли 4-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб келишини, 2019 йил 15 ноябрь куни мактабда бўлган вақтида ҳудуд профилактика инспектори хизмат хонасига чақириб, Ш.А.Бердалиевнинг чўнтагидан наша гиёҳвандлик воситаси чиққанлигини айтгани, Ш.А.Бердалиев ҳақиқатдан ҳам чўнтагидан наша гиёҳвандлик воситаси топилганлигини тан олгани, ҳудуд профилактика инспектори ва Боғдод туман ИИБ ЖКБ ходими Ш.А.Бердалиевдан бундай гиёҳвандлик



воситалари яна бўлса ихтиёрий равишда топширишини сўрашганида, Ш.А.Бердалиев уйда ҳам наша гиёҳвандлик воситаси борлигини айтгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ва ишга холис сифатида жалб қилинган Х.Ж.Худиевлар билан Ш.А.Бердалиевни яшаш хонадонига боришгани, шунда Ш.А.Бердалиев уйдаги шкаф остига беркитиб қўйган бир дона қора рангли целлофан пакетга ўралган наша гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига тақдим қилгани, ИИБ ходимлари ушбу гиёҳвандлик воситаларини уларни иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олишганлигини баён қилди.

Судланувчи Ш.А.Бердалиев нинг содир этган жинояти юқоридагилардан ташқари, жиноят ишидаги: далилий ашёни олиш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.4-9), далилий ашёни тортиб олиш ҳақида баённома (и.в.18), суд-кимёвий экспертиза хулосалари (и.в.19-20, 22-23), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор (и.в.25), қвитанция, кўздан кечириш далолатномаси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини қабул қилиш-топшириш баённомаси (и.в.27-29), суд-наркология экспертиза далолатномаси (и.в.42), кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда диск (и.в.58-64), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғланди.

Суд, судланувчи Ш.А.Бердалиевнинг содир қилган жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаш белгиларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри равишда квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи Ш.А.Бердалиев 2019 йил сентябрь ойининг бошларида Боғдод тумани, Мирзаобод қишлоғи ҳудудидаги дала ер майдонидаги ариқ четида ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳвандлик ўсимликларини барглари териб олиб, уларни ўша ерда қуритиб, келгусида ўзи истеъмол қилиш учун қора рангли целлофан пакетга солиб, яшаш хонадонига олиб келиб, уйдаги шкаф остига беркитиб, ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда 2019 йил 15 ноябрь кунига қадар сақлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керакли”ги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ш.А.Бердалиевга жазо тури ва меъерини тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан чин



кўнгиладан пушаймон эканлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, бир нафар фарзанди ногирон эканлигини, оиланинг ёлғиз боқувчиси эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилаётган қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи Ш.А.Бердалиев “Каннабиноидларга тобелик 2-босқичи” касаллиги билан касалланганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тартибда даволаш чораларини қўллашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган Фарғона вилоят ДХХ бошқармасига далилий ашёлар сақлаш омборига топширилган 78 (етмиш саккиз) грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилишни ва жиноят ишига илова қилинган бир дона DVD дискни иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи Бердалиев Шермурод Абдуманнонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ш.А.Бердалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ш.А.Бердалиевга жазони ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Ш.А.Бердалиевга жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан ҳисоблансин.

Ш.А.Бердалиевга нисбатан чиқарилган ҳукм ижросини назорат қилиш Боғдод туман ИИБнинг зиммасига юклатилсин.

Ш.А.Бердалиевга нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучига киргандан сўнг бекор қилинсин.



Ш.А.Бердалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўлланилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган Фарғона вилоят ДХХ бошқармаси далилий ашёлар сақлаш омборига топширилган 78 (етмиш саккиз) грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин ва жиноят ишига илова қилинган бир дона DVD диск иш ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ўн сутка муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.А.Тоғаев

Нусхаси аслига тўғри:

О.А.Тоғаев

